


27-fevral
2025-yil 8 (1 110)



O'ZLiDeP



АХХР

IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz @XXLasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxlasrgazetasi XXLasrgazetasi

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

Қадиқ айём арафасида

ҚАДРИЯТЛАРИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, НАВРЎЗ!

НАВРЎЗНИНГ
ШУКУҲИ,
ТАРОВАТИ, ФАЙЗИ
БЎЛАКЧА. ҲАР
ЙИЛИ БУТУН
ДУНЁДА БУ ГЎЗАЛ
ВА БЕТАҚРОР
БАЙРАМ КАТТА
ТАНТАНАЛАРГА
АЙЛАНАДИ.
АЙНИҚСА, ШАРҚДА,
ХУСУСАН, БИЗНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДА
ЧИН МАЪНОДА
ЙИЛНИНГ
БОШЛАНИШИ,
ОНА ТАБИАТНИНГ
УЙҒОНИШИ,
ДАШТУ
ДАЛАЛАРДА
ДЕҲҚОН-БОҒБОН-
ФЕРМЕРЛАР УЧУН
УМИД БИЛАН
КЕКСАЛАРНИНГ
ЁРУҒ ДУОЛАРИНИ
ОЛИБ ИШ БОШЛАШ
МАРОСИМЛАРИ ВА
ЎНЛАБ ХАЛҚОНА
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ
НАМОЁН
БЎЛИШИ ЎЗИГА
ХОС БАЙРАМГА
ЭВРИЛАДИ.



6

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

НАВБАТДАГИ МАНЗИЛ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ!

Партия ишчи гуруҳи жамоаси вилоятдаги бошқа туман ва шаҳарларда ҳам бўлишиб, кенг жамоатчилик вакиллари, депутатлик гуруҳлари аъзолари, сайловчилар билан жонли мулоқотлар ўтказиш ва муаммоларни ўрганади.

O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши
матбуот хизмати



Газетамизнинг кейинги сонларида ушбу мулоқотлар тафсилотлари хусусида батафсил сўз юритамиз.

Ишчи гуруҳ ўрганишлари бесамар кетма(й)ди

2.



Яйловлардан фойдаланиш қай аҳволда?

3.




Бемор бўлмасдан бурун ет саломатлик қадрига

4.



Товламачи тузоғи қаерда?

5.



O'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ВА ПАРТИЯНИНГ ПАРЛАМЕНТ ҚҲЙИ ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ РАҲБАРИ АКТАМ ХАЙТОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ИШЧИ ГУРУҲ АЪЗОЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИГА КЕЛИШДИ.

Дастлабки учрашув вилоят марказидаги кичик саноат зонаси ҳудудида жойлашган "Навпромлитмаш" корхонасида ўтказилди.

– Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсиб бораётгани қувонарли ҳодиса, – деди сиёсий куч лидери. – Буни дунёдаги нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар етакчилари эътироф этмоқда. Яқинда Халқаро валюта жамғармаси мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард доллардан ошганини тасдиқлади. Шундай юксак маррага эришишда ушбу корхонада меҳнат қилаётган азму шижоати баланд тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси бекиёс.

2007 йилда ўз фаолиятини бошлаган бу корхонада олиб борилган самарали ишлар натижаси ўлароқ

2018 йилдан бошлаб машинасозлик йўналишида илк бор маҳаллий бозор учун импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган эди. Ҳозирда 250 нафардан ортиқ ишчи-ҳодимларнинг самарали меҳнати туфайли 50 дан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариляпти, уларнинг катта қисми чет давлатларга экспорт қилинмоқда.

O'zLiDeP раҳбари йиғилганларга партиянинг мақсад ва ғоялари ҳақида маълумот берди. Таъкидлаганидек, сиёсий куч барқарор иш жойларини яратиб, камбағалликни қисқартириш, аҳолини ишбилармонликка жалб қилишнинг маҳаллабай дастурларини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатяпти. Ишсиз фуқароларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилиш учун микроолиялаш хизматларини кенгайтириш ва замонавий молиявий инструментлардан кенг фойдаланиш тарафдори.

Иштирокчилар ҳам партия томонидан илгари сурилаган ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлашни ва ислохотларни чуқур англаган ҳолда юрт тараққиёти учун ҳисса қўшишларини таъкидлашди.

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

Тинч ва осойишта юртда яшамоқлик – улуг саодат. Бугунги дориламон кунлар шукуҳини ҳар қадамда ҳис қилиш лозим. Чунки бу даврга етиб келиш учун икки миллионга яқин ота-боболаримиз беғубор ёшлигини, хотиржам ҳаётини жанг майдонига алмаштирди. Эндигина навқирон ёшга етиб, билаги кучга тўлган 538 минг нафар ўғлонимиз дахшатли уруш туйфайли юртга қайтиб келмади. 158 минг нафари бедарак йўқолди.



Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига бу йил саксон йил тўлаётган бўлса-да, унинг асорати ҳамон қалбларни зириллатади. Ёридан, фарзандидан ажралган аёлнинг, онанинг фарёди ҳамон кулоқлар остида жаранглайди.

Тинчликнинг бардавом бўлиши ва қадрланиши учун ҳам бугунги авлод унинг қанчалар буюк бойлик эканини англамоғи шарт. Президентимизнинг 2025 йил 19 февралдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарори ва “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони билан унинг қадри аниқроқ кўрилади. Бинобарин, инсон хотирасини улуғлаш халқимизга хос олижаноб қадриятдир.

Шунга қўра, Ватан равақи, тинчлиги ва ҳимояси

йўлидаги қаҳрамонлик ҳеч қачон унутилмайди. Айнан шундай широрлар остида ўтказилаётган тадбирларда бугунги тинч ва осойишта кунимиз қадрига етиш, уни асрашга қодир ёшларни тарбиялаш масаласи диққат марказида бўлмоғи зарур. Чунки юрт тинчлиги, унинг обрў-эътибори ҳамда равақи фарзандларимизни юртга садоқатли қилиб тарбиялашимизга боғлиқ.

Шу жиҳатдан Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига пухта тайёргарлик кўриш, уни юксак даражада ўтказиш, Ўзбекистон халқининг тарихий қаҳрамонлиги, фидокорона меҳнати улуғлаш бўйича ёшлар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишда бош-қош бўламиз. Уруш кўрган ва уруш йилларининг дахшатли азоб-қувбатларини бошидан ўтказган фахрийлар иштирокидаги бундай учрашувлар, албатта, эртанги кун эгалари қалбига фидойилик ва ватанпарварлик туйғуларини уйғотади. Бугунги кунларни қадрлашга ундайди.

Ўзбекистонда ресурсларни тежаш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки энергетика соҳаси нафақат иқтисодий ўсишнинг, балки экологик барқарорлик ва ижтимоий тараққиётнинг ҳам муҳим омилларидан биридир.

ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛИ МАДАНИЯТИ ШАКЛЛАНИШИ ШАРТ!

Мамлакат ривожининг “драйвери” бўлган бу соҳага стратегик йўналиш сифатида эътибор қаратилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада электр энергияси самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Изчил ислохотлар туйфайли охириги саккиз йилда электр ишлаб чиқариш 38 фоизга ошиб, 81,5 миллиард киловатт соатга етди. Хусусий секторга кенг йўл очилгани туйфайли 11,2 гигаваттлик қўшимча қувват яратилди. Натижада бу секторнинг генерациядаги улуши 24 фоизга, яшил энергия ҳиссаси эса 16 фоизга етди.

Ўзбекистон аҳолиси йил сайин, ой сайин кўпайиб бормоқда. Айниқса, ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши энергия ресурсларига бўлган талабни янада ошириб юбояпти. Шу боис, энергияни тежаш нафақат иқтисодий жиҳатдан фойдали, балки жамиятимиз келажаги учун ҳам стратегик аҳамиятга эга. Шуларни ҳисобга олиб, кўйидаги масалаларга эътибор қаратмоқ лозим.

Аввало, ҳар бир ватандошимизда маийш техникадан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш талаб этилади. Бу эса энергетик самарадорликка эга ускуналардан фойдаланиш, уларни керакисиз пайтда ишлатмаслик, энергия тежайдиган лампа ва қурилмаларга ўтишни тақозо этади.

Шунингдек, ишлаб чиқаришда энергетик тежамкорликка эришиш зарур. Корхоналарда энергия истеъмолини назорат қилиш, қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни кенгайтириш ҳукуматимиз ва хусусий бизнеснинг асосий мақсадига айланмоқда. Бу борада бизнес соҳасида ҳам ижтимоий масъулиятни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ниҳоят, оммавий тарғибот ва маърифий тадбирлар аҳолини иxtирий муқобил манбаларга ўтишини рағбатлантиради. Бунинг учун мактаб ва олий таълим муассасаларида энергия самарадорлиги бўйича ўқув дастурларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Маълумки, айрим мамлакатларда бу борада муваффақиятли лойиҳалар мавжуд. Масалан, Германияда электр энергиясини тежаш мадания-

тини ривожлантириш мақсадида барча давлат муассасаларида махсус дастурлар жорий этилган. Биз, депутатлар ҳам энергетика соҳасига оид қарорлар қабул қилишда узоқ муддатли манфаатларни ҳисобга олишга ҳаракат қилиялми. Давлат органлари, хусусий сектор ва жамоатчилик ҳамкорлигида кўплаб ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Корхоналарда “энергетик аудит” ўтказиш, “ақлли уйлар” ва “ақлли офислар”ни ривожлантириш орқали электр ва иссиқлик энергиясини тежаш каби масалалар қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда асосий омиллардан бўлмоқда. Бу жараёнда давлат ва хусусий секторнинг фаол иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, Японияда барча йили қурилиш объекти энергия тежайдиган технологиялар асосида барпо этилади.

Хусусан, Ўзбекистон ҳам қуёш ва шамол энергиясини ишлаб чиқариш бўйича улкан салоҳиятга эга. Қуёш, шамол, сув ва бошқа табиат инъомларидан электр энергиясини ишлаб чиқариш жаҳонда аллақачон оммалашиб бормоқда. Қайта тикланувчи хусусиятига эга ушбу манбалар экологияга мутлақо зарарсиз экани билан ҳам инсоният учун қадрлидир. Республикада бу борада кўплаб мега лойиҳалар амалга оширилмоқда ва яқин келажақда улар ўз самарасини бериши шубҳасиз. Қуёш панелларини жойлаштиришни кенгайтириш, хусусий хонадонлар ва ишлаб чиқариш объектиларини ушбу манбаларга улашни рағбатлантириш ҳукуматимиз олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Зеро, “яшил” энергетика қазилма ёқилғи сарфисиз, атмосферага СО ва СО2 газлари чиқармайдиган ва натижада атроф-муҳит экологиясига зийн етказмаган ҳолда энергия таъминотини амалга оширадиган тузилмадир. Бунда истеъмол талаби қуёш, шамол, сув, биомасса, водород энергетикаси каби муқобил энергия манбалари эвазига қопланади.

Олайлик, Дания бу борада дунёдаги етакчи давлатлардан бири. У ерда электр энергиясининг 50 фоиздан ортиғи шамол турбинлари орқали ишлаб чиқарилади. Демак, биз ҳам шу каби инновацион ечимларни ҳаётга тезроқ татбиқ

этишимиз лозим. Ушбу жараёнда энергия самарадорлиги бўйича қонунчиликни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўтган даврда соҳага доир қатор қонунлар қабул қилинди. Масалан, “Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қонун билан давлат ташкилотлари ва бизнес субъектлари энергия тежаш чораларини амалга ошириши шартлиги белгиланди. “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда фуқаролар ва тадбиркорлар учун солиқ, божхонага оид ҳамда бошқа имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш назарда тутилди. Шунингдек, парламент муҳокамаларида ушбу масалалар бўйича фаол баҳс-мунозаралар олиб борилмоқда. Муқобил энергияга сармоя киритиш бўйича кўпроқ имкониятлар яратиш ҳақида фикрлар билдирилаётди.

Айтиш жоизки, энергия истеъмоли маданияти фақат ресурсларни тежаш дегани эмас. Бу – иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшувчи муҳим омилдир. Энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш орқали корхоналарнинг харажатлари камаяди. Кам энергия сарфлаб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш шароити яратилади. Қолаверса, энергия тежайдиган лойиҳаларга халқаро сармояларни жалб қилиш имконияти кенгайди.

Мисол учун, Швецияда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш натижасида иқтисодий ўсиш юқори суръатларда ошган. Ўзбекистонда ҳам бундай имкониятлар мавжуд ва фойдаланиш фурсати етди. Шу нуқтаи назардан, серкүлеш ўлкада яшашимизни ҳисобга олиб, табиатнинг ушбу нёъматидан қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқаришда унумли фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ. Зотан, “яшил” энергетиканинг тараққий этиши мамлакат энергетика тизимида тушайтган улкан юкларни камайтиришга хизмат қилади. Энергия самарадорлигини ошириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасида қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар юртимизнинг барқарор ривожланишига замин яратади.

ВАТАНИМИЗНИНГ ОЛТИН ФОНДИ



Президентимизнинг мамлакатимиз ёшлари билан очик, самимий мулоқоти умидли ниҳолларимизнинг ўзларига бўлган ишончини, юрт келажаги учун ҳисса қўпишига бўлган орзу-истакларини кучайтириб юборди, десак муболаға бўлмайди.

Учрашувда ёшлар билан ишлаш натижадорлигини янада ошириш, уларга кенг имкониятлар яратиш чоратадбирлари муҳокама қилинди, фаол ўғил-қизларнинг тақдифлари эшитилди. Барча ҳудудлардаги фаол ёшларимиз Президент билан учрашиб, очик мулоқот қилиш, таклиф ва ташаббус бериш имкониятига эга бўлди.

Янги ташаббус ва имкониятларга бой тарихий учрашувда 2025 йил ёшлар ишсизлигига барҳам бериш ишлари янги босқичга кўтарилиши таъкидланди.

Дарҳақиқат, бундай ғамхўрлик юртимизда илм ва фан ривожига муносиб ҳисса қўшаётган фарзандларимизни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шундай экан, замонавий талаблар асосида жиҳозланган, барча шароитларга эга ўқув биноларида таълим олаётган ёшларнинг интилишлари ва ютуқлари билан ҳақли равишда фахрлана оламиз. Зеро, ёшлар ҳар қандай жамиятнинг бугуни ва эртаси, бебаҳо хазинасидир. Тўғрисини айтсам, давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббус ва тақдифларига жавобан биз ҳам барча соҳаларда муваффақият қозониб, маънавий жасоратимиз билан муносиб жавоб қайтаришимиз лозим.

Сардоржон АВАЗОВ,
Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати, Тошкент давлат аграр университети кафедра мудири, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби, профессор

ЖИЗЗАХ



ИШЧИ ГУРУХ ЎРГАНИШЛАРИ БЕСАМАР КЕТМА(Й)ДИ

Йил бошида О'зЛиДеР етакчиси Ақтам Хаитов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Жиззах вилоятида сайловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳамда бошқа долазарб масалалар юзасидан жамоатчилик назорати асосида ўрганишлар олиб борган эди. Мулоқотлар давомида аниқланган камчиликларга партиявий вოსиталар орқали ечим топиш мақсадида маҳаллий кенгаш депутатлари ва сиёсий куч фаоллари ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашмоқда.

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимизнинг 2023 йил 12 июндаги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Ҳайдаровнинг ҳисоботи тингланди. Таъкидланганидек, ўтган ва жорий йилнинг шу ойига қадар “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали ишчи” дастури доирасида 136 та иш ўрни бўйича аризалар келиб тушган. Дастур ижроси бўйича Тижорат банклари, “Ўзғросуғурта” АЖ ва Савдо-саноат палатаси ҳамда бириктирилган иқтисодий соҳа раҳбарлари томонидан дастурда иштирок этиш истагини билдирган 200 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти билан семинар учрашувлари ташкил этилди. Натижада ана шу дастур бўйича 136 нафар тадбиркор ҳамкорликка розилигини билдириб, 20 мингга

яқин фуқаро бандлигини таъминлаш бўйича ўз тақдифларини берди. Ҳоким ёрдамчилари хулосасига қўра, 49 нафар тадбиркор билан 4 458 нафарга яқин фуқаронинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳамкорлик шартномалари тузилди.

Йиғилиш якунида мутасаддининг ҳисоботи қониқарли, деб тоилган депутатлар Жиззах шаҳрида камбағалликни қисқартириш борасидаги комплекс чора-тадбирларни сифат жиҳатдан янги босқичга чиқариш, бандликни таъминлаш борасида тегишли ташкилотлар ва депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳамкорлигини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни назоратга олишди.

Яна бир эътиборли жиҳати, ишчи гуруҳнинг Фориш туманидаги учрашувлари чоғида жамоатчилик вакиллари аҳоли чорва молларини боқиш учун яйловлардан фойдаланиш масаласини ўртага ташлаган эди. Яйлов майдонларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, ўсимликлар



табиий плантацияларини яратишга қаратилган чора-тадбирлар туманда чорвачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Худудда азал-азалдан чорвачилик ривожланиш мавжуд 366 минг гектар яйловдан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш чорвачиликни ривожлантириш, чорва маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этиб, янги иш ўринлари яра-

тиш, қисқача айтганда, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, қўлай шароитлар яратишда муҳим ўрин тутди.

Халқ депутатлари Фориш туман кенгашида О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг йиғилишида бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари –

қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Комилжон Каримов ҳисобот берар экан, Президентнинг 2025 йил 30 январдаги “Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг замонавий механизмларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида атрофлича тўхтади.

Ишчи гуруҳ вакиллари вилоятнинг бошқа туманларида ҳам партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳисоботини эшитиб келмоқда. Масалан, Зомин туманида Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида “Худудий электр тармоқлари” АЖ Зомин туман бўлими бошлиғи Бекзод Абдукаримовнинг ёки маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича ўтган йили қилинган ишлар сарҳисоби ва 2025 йилги устувор вазифалар ижроси юзасидан “Халқ банки” АТБ Мирзачўл туман филиали бошқарувчиси Хусниддин Ботировнинг маълумотлари эшитилди.

Асосийси, бу каби йиғилишларда, айниқса, мутасаддилар фаолиятига танқидий-таҳлилий баҳо берилмоқда, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ҳолати депутатлар ва жамоатчилик назоратига олинмоқда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

ЯЙЛОВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚАЙ АҲВОЛДА?

“ЯЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ҚОНУН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ЛОЗИМ

Мамлакатимизда сўнгги вақтларда йиллов ва йилловчилик ишлари нима учун кун тартибидан тумай қолди? Хусусан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 2024 йилда уч маротаба йилловлар деградациснинг салбий таъсири юзасидан ҳукуматга юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди. Шунингдек, бу борада Президент фармони ва қарорлари қабул қилиниб, жабҳада тузилмавий, моддий-техник, рақамлаштириш имкониятлари кенгайтириладиган бўлди. Шу ўринда ҳақли савол туғилди: ҳўш, бунга сабаб нима? Ўзбекистондаги йилловларни асраш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, соҳани янги босқичга олиб чиқиш, электронлаштириш халққа қандай наф беради? Такомиллаштирилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар соҳани тўлиқ

қамраб олиб, мавжуд муаммоларга барҳам бериши учун яна қандай чоралар кўриш керак? Бу борада соҳа вакиллари, мутахассис ва олимларнинг таклиф-мулоҳазалари нимадан иборат?

Яқинда Ўзбекистон Тadbиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш марказида “Ўзбекистонда яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари” мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатига худди шу каби саволларга жавоб изланди.

Мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ҳамда чорвачилик фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

ошиб, ерлар сув эрозиясига учраши оқибати бўлган дўкчалар кўпайиб бормоқда. Шундай бўлса-да, яилловлари муҳофазда қилиш ва тиклаш учун барча имкониятлар етарли. Мисол учун яилловларининг сув билан таъминланганлиги даражаси етарли бўлган бир пайтда (87%), сувдан самарали фойдаланган, маданий яилловларни, уруғчилик питомникларини яратиш яиллов агротехникасини жорий қилиш орқали яилловларни сақлаб қолиш ва тиклашга эришиш мумкин. Бунинг учун республикада яиллов хўжалигига оид илмий тадқиқотлар ва тажриба ба етарли, фақат буларга таяниш керак.



Лазиза ҒАҒУРОВА,
биология фанлари доктори,
профессор:

– Ушбу мавзуга оид жиддий фикр-мулоҳаза
қилган ва яна бир обдан таҳлил қилар эканман, “Яйлов
қонунлари”ни янги таҳрирдаги қонунни янада
таҳлил қилиш учун қуйидаги таклифлар
ни ўртага ташламоқчиман:



**Ориф ШАРИПОВ,
биология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Тadbиркорлик ва
фермерликни қўллаб-
қувватлаш маркази
директори ўринбосари:**

– Маълумки, республикаимизнинг умумий майдони 448,9 минг километр квадрат бўлса, ушунинг 21,1 млн гектар ер яёлов ва пичақazorлардан иборат. Демак, умумий ер майдонининг 47 фоизини яёловлар ташкил этар экан. Чорвачиликка қорамоллар бош сони 10141 минг бош, қўй ва эчкилар 161871,1 минг бошотлар 195192 бошни ташкил этишини ҳисобилиб, чорва моллари ҳисобини умумлаштиришса, мамлакат бўйича жами 14 миллиондан ортиқ шартли мол мавжудлиги маълум бўлади.

Минг афсуски, ана шу улкан яёловлардаги табиий усимликлар бугун жуда каттаҳавф остида эканлигини ҳам очиқ-ойдин айтиш лозим. Уларнинг кўлими кун сайн қисқариб бормоқда. Таҳлилларга кўра, охириг 2030 йил ичига яёловларимизнинг 50-70 фоизиниқирозга уз тутган. Ана ҳам аниқроқ айтдасан бўлсак, 11 млн гектар яёловдаги усимликларни қайта тиклаб бўлмайди.

Эътиборли томони шуки, няхоят шу йилнинг 30 январида давлатимиз раҳбаринини “Яйловларни муҳофаза қилиш ва уларда оқиллона фойдаланишнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирларга тўғрисида” фармони ва “Чорвачилик ва парандачиликни қўллаб-қувватлаш, соҳада оқибат қўшилган қиймат яратиш бўйича қўшим чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори айтилган вақтида эълон қилинди. Бу, албатта, соҳада жуда катта ўзгаришлар жараёни амалга ошishi учун дастуриалмавл вазифасини ўтайди деб ҳисобланган. Шу маънода “Яйловлар тўғрисида”ги янги таҳрирдagi қонунни қайтадан мукаммал ишлаб чиқиш ҳаётий заруратидир. Сабabi, мамлакатда айни пайтда қанча ялловли майдони ярқосиз ҳолатга келганини, қанча яйловларнинг ўсимликлар флорасини қайта tikлаш мумкинлиги ёки йўқлигини аниқлаш ниятида зарур.

Ачинарлиси, республиканинг аксар ҳиссада дудларида яйловларнинг деградацияга учирishi оқибатида бу майдонларда чўллаш жароғи ёни кузатиляпти. Чўлланаётган худудларни тиклаш эрларида шўрланиш ва шамол эрозияси, тоғ ва тоғолди эрларида эса ёғингарчилик ва қорлар эришидан сел келиб чиқиш хавфи

10. Яйловлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишда, механизациялаш ишлари-ни ташкил қилишда давлат кўмагининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини шакллантириш, яйловдан фойдаланувчиларга қулайликлар, имтиёзлар ва преференциялар татбиқ этиш:

11. Яйлов алмашинуви, ҳажмдорлиги, суғориладиган ва суғорилмайдиган яйловларнинг тури ҳамда сифатига кўра, ер майдонларини ажратиш меъёрларини тоифалаш, ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш;

12. Яйловлар ҳолати мониторингини ҳар беш йилда олиб бориш, уларга оид маълумотларнинг ягона давлат банкни ташкил этиш, давлат яйлов ўсимликларининг уруғ фондини ва "Генетик банк"ни жорий қилиш ва унрағбатлантириш, яйловлар тупроқлари ва геоботаник ҳолатини назорат қилувчи "Скрининг маркази"ни барпо толдирши;

13. Иқлим узгариши ва “яшил иқтисодиёт” шароитида яйловлардан оқилона фойдаланишни ҳамда атроф-муҳитни муҳофиза қилиш мақсадида биотик ва абиотик стрессларга қарши мослашувчан (адаптацион) технологияларини қўллас, уларни амалга оширишда рағбатлантирувчи механизмларни таътиқ этиш;

14. Яйлов ҳўжалиги учун юқори малакали махус яйловшўнос кадрлари тайёрлаш, малакасини ошириш, таълим-фан ишлаб чиқариш интеграциясини ва тарғибот-ташвиқот ишларини ривожлантириш, фундаментал, илмий-амалий ҳамда инновациян тадқиқотларни олиб боришни белгилашдан иборат.

Шунингдек, давра суҳбатига **Чорвачилик ва паррандчилик илмий-тадқиқот институти** бўлиб бошлиги **Изатилла ЭШМАТОВ** ҳамда **мазкур институт бўлиб бошлиги Ҳусанжон ҒИЁСОВ** ҳам сўзга чиқиб, бугун мамлакатимизда йилвос җўжаликларни ҳудудидида 7-8 миллион аҳоли истиқомат қилиши, уларнинг чорва молларини кўчириш оддий жараён эмаслиги, ўша чорванинг ортидан уларнинг оиласи ҳам бир жойдан иккинчи жойга овора бўлиши, фарзандларининг тез-тез бир мактаб ёки боғчадан иккинчисига кўчиб юришга сабаб бўлиши, шунингдек, сувсизлик, турар жой, озиқ-овқат ва бошқа муаммолар сабаб турли мураккабликлар юзга келиши мумкинлигига эътибор қаратиларди. Соҳада алмашлаб ўтлатиш манзилларини аниқ тизим асосида амалга оширувчи агрологистик тизимларга, йилвосчилик борасида "Мегаполис-ҳалар" га эҳтиёж катталиги таъкидланди, йилвос инфраструктурасини яратишда, йилвослардан наvbатма-наvbат загон (*ўтар, майдон*) тизими асосида фойдаланишга диққат қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, яйлов эгалари ресурс тежовчи технологиялар (томчилаб, ёмғир-латиб сугориш, ҳаводан сув олиш ва бошқа-лар) жорий этишни ўз зиммасига олишлари, яйловларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (қудқуд қазиб берувчи, муқobil энергия манба-лари ўрнатувчи, таъмирловчи корхоналар ва бошқаларга)га маълум имтиёзлар бериш уш-бу кунунда кўзда тутилмиш зарур. Шу билан-бирга яйловларда истикомат қилувчи аҳоли вакилларига автоуй, палатка, муқobil эн-ергия манбалари, чўл ва яйловларда турли су-янғиш мосламалари сотиб олиш ва ўрнатиш ҳамда бошқа янаш шaroити учун зарур бў-лувчи хомашё манбалари учун субсидия ва узоқ-йиллик паст фоизли кредитлар ажратиш тиз-мини жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, яйловлардан фойдаланиш бўйича қўшни Қирғизистон тарафрасини ўз-лаштириш, улардаги “Яйловлардан фойдала-ниш уюшмаси”нинг фаолиятини ўрганиш за-рур. Қолаверса, яйловларни ягона электрон базасига ўсимлик қопламидан ташқари, аҳоли ва ундаги чорва моллари бош сони тўртинсида-ги маълумотларни ҳам қиритиш мақсади етти.

Бахс-мунозараларга бой тарзда кеч-ган мулоқотда **Қишлоқ хўжалиги вазирли-**ги қарашли божсқмара бошлиғи ўрин-босари Бахтиёр Ашуров, Ветеринария ва чорвачилиғи ривожлантириш давлат қў-митаси божсқмара бошлиғи Алишер Сафа-ров, Қорақўлчилик ва чўл экологияси ил-мий-тадқиқот институти директори Эркин Шапқатов ва ЎЗМУ доқоти Олимахон Эр-гашева ҳам сўзга чиқиб, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясига қишлоқ хўжалиғида ҳосилдор-лик ва рентабеллик даражасини кескин оши-риш чўл чорвачилиқ соҳасида озўқа бзаси-ни мустаҳкамлаш, яйлов ерларидан самарали-фойдаланишни таъминлаш, пиллачилик соҳа-сида кластер тизими асосида янги тутзорлар-ни барпо этиш ва 1 миллиондан ортиқ янги иш-ўринларини яратиш бўйича аниқ вазифалар белгиланганини таъкидлашди.

Шу билан бирга, ҳозирда табиий йил-
овларда чорва молларининг тартибсиз боқи-
лиши, табиий-иклим шароитининг бузилиши
(қурқоқлиқ, чулпанлиқ) сув ва шомол эро-
зияси, шунингдек, йилловларнинг табиий-ҳў-
жалик аҳамиятининг пасайишига олиб кела-
диган табиий ва (ёки) антропоген таъсирлар
натijasида йилловлар ҳоссаларининг ёмонла-
шиши оқибатида табиий йилловлар махсусдур-
лиги ва ўсимликлар турларининг камайишига
ёки йўқолиб кетишига-йилловлар дeгpадацияси
сабаб бўлаётганилигини қайд этиб, йилловлар
дан тизимсиз фойдаланиш оқибатида вужудга
келган мураккаб вазият ўсимликлар қоплами-
нинг бугунги экологик фитоценотик ҳолати бу-
зилишига олиб келган, натижада дeгpадация
жараёнларига қарши курашиш ва оқибатларни
йомшатиш ишлари амалга оширилмас экан,
кейинги яқин йиллар давомида табиий ем-хаш-
қ захирасининг кескин қисқаришига олиб
келиши борасида тўхталиб ўтишди.

Давра суҳбатда мутахассислар томонидан яловбарлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофиза қилишга оид қўлаб фикрлар билдириш баробарида, асосий қараш – яловчиликда институционал тизим яратиш зарурлигига ургۇ берилди. Хўш, институционал тизимнинг моҳияти нимада?

Авваламбор, яйловларга нисбатан фақат истеъмолчилик қарашлардан ва муносабатдан воз кечиш, унга оид мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш зарур.

Қонунчиликда:
биринчидан, яйловларга нисбатан давлат сиёсатини белгилаш, яйловларни бошқариш, улардан фойдаланиш тартиб-тамомиyllарини, муҳофаза қилиш, тақор қўйатирилариш, ривожлантириш, бозор шароитида яйловдан фойдаланувчилар орасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга оид миллий қонунчилик асосларини яратиш;

иккинчидан, яйловларни бошқариш тизимини яратиш, улардан фойдаланиш тактикасини жорий қилиш, яйловлар устидан замонавий усуллар билан мониторинг ишларини юритиш; вазолатли органларни белгилаш ва жавобгарлигини ошириш, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари вазифаларини аниқлаштириш; сув ҳавзалари бошқармалари қошидаги насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларининг моддий техник базасини кучайтириш; баробарида, яйловлардаги эскирган сув қуурларини таъмирлаш ва ярқосизларини янгилаш;

учинчидан, яйловларни ривожлантиришга қаратилган фундаментал тадқиқотларни чуқурлаштириш ва амалий тадқиқотларни кенгайтириш, лойиҳалаш ва прогностлаштириш тизимини ташкил этиш, яйловларга замонавий илм-фан ютуқларини кенг таъдиқ этиш;

тўртинчидан, яйловлар билан ишлайдиган махсус мутахассисларни тайёрлаш, мазкур жараёнда жаҳон амалиётини кенг ўрганиш ва қўллаш;

бешинчидан, мамлакатда маданий яй-
ловларни барпо қилиш, бунга барча қулайлик-
лар имтиёзлар ва преференцияларни кучга
киритиш баробарида бир қатор иқтисодий ва
ижтимоий масалаларда амалий ишларни таш-
кил этиш максалга мувофиқ.

Яйловларни сақлаб қолиш ва махсусдор-
лигини ошириш бугунги куннинг долзарб ма-
саласи эканлиги, уларнинг ҳолати қишлоқда-
ги ҳаёт барқарорлигини таъминлашда муҳим
ўрин тутилишини ҳисобга олиб, мазкур ишларда
барча омилларни қўллаш мамлакатнинг иқти-
сосий қудратини ва аҳоли турмуш фаровонли-
гини янада оширишга хизмат қилади.

Республикамизда табиий ўсимликлар қопламани асраш ва улардан барқарор фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилишига қарамадан жойларда тизимсиз равишда жойловлардан фойдаланиш ҳисобига чўл ҳудудлардаги табиий жойловларда деградация жараёнлари даражасининг кўтарилиб бориши чорва молларини боқиш имкониятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, жойловларда вужудга келаётган деградация жараёнларини чўлчаниш ва ерларни эрозияси жараёнларини тезлаштириш, хусусан, ер ости сувларининг сатҳи пастайишга олиб келади. Жойлов деградация жараёнларининг йилдан-йилга тез-тез суръатлар билан давом этиб бориши уларнинг олдини олиш тадбирларини баҳаршиши мураккаблаштиради. Бу борада табиий жойловлар ўсимликлари қопламиди чорва молларининг тизимсиз қилиши таъсиринда содир бўлаётган деградация жараёнларини чуқур тадқиқ қилиш талаб этилади.

Давра суҳбати иштирокчиларининг юқорида тилга олинган Президент томонидан имзоланган фармон ҳамда қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш билан бирга амалдаги қонуннинг янги таҳририни қўриб чиқиш бўйича тақдим этилаётган тақлиф ва мулоҳазалари тегишли тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари эътиборига ўрганиб чиқиш учун ҳавола қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистонда яйловларни асраш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, соҳани янги босқичга олиб чиқиш, электронлаштиришдан ҳукуматга ёки халққа қандай наф, деган саволини ўйлаш эдиқ. Ўзбекистондаги чорвачиликнинг тақдирини айнан яйловлар ва уларнинг мўл-қўллигига боғлиқ. Бу эса яйловларни муҳофаза қилиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш, яйлов ҳўжалигини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, соҳадарёбардорнинг ихчам ва самарали тизимини янги босқичга олиб чиқиш, чорвачилик ҳўжаликларининг фаолиятини янада тақомиллаштиришга бевосита боғлиқ. Бунинг учун, албатта "E-uaylov" каби қўлай электрон платформаларга ҳўтмўқ туғуллаётган эди. Соҳада биохафсизликни ишлаб чиқиш, чорвачиликни етарли озуқа манбалари билан таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қайта тикланиш чораларини қўриш, экологик таълими, жумладан, яйловларни асраш бўйича аҳоли орасидаги ахборот тарғиботини қўйиш, янги таълимий брендлиримизни сақлаб қўлиш мақсадида мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, бугун яйловлар-
ни асраш борасида хайрли ишлар бошланган.
Умид қиламизки, тез орада ушбу жабҳада ҳам
ижобий ўзгаришлар вужудга келади.

**“XXI asr” мухбири
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.**

Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.



**Ақром АЛИМОВ,
Ўзбекистон Тадбиркорлик ва
фермерликни қўллаб-
қувватлаш маркази директори:**

— Бу жонли мулоқотнинг бевосита O'zLiDeP билан ҳамкорликда ташкил этилгани бежиз эмас. Чунки партиянинг 5 мақсад — 500 вазифани ўз ичига қамраб олган сайловолдида дастурида ҳам қишлоқ ҳўҳўалигини модернизациялаш ва интенсивс ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жўрий этиш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, селекция ва уруғчилик усулларини жўрий этиш, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда ривожланган давлатлар даражасига эришиш ҳамда яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг замонавий механизмларини амалга таъдиқ этиш масалаларига кенг урғу берилган эди. Президентиимизнинг 2025 йил 30 январдаги «Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг замонавий механизмларини жўрий этиш чора-таъдирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди ва ушбу ҳўжўат асосида давлатимиз раҳбари шу куни «Чорвачилик ва паррандачиликни қўллаб-қувватлаш, соҳада юқори қўшилган қиймат яратиш бўйича қўшимча чора-таъдирлар тўғрисида»ги қарорини ҳам имзолади. Мазкур ҳўқўққў ҳўжўатлар доирасида O'zLiDePнинг парламент қўйи палатасидаги фракцияси томонидан галдаги вазибалар белгилаб олиниб, қатор экспертлар иштирокида амалий таъдирлар бошлаб юборилди. Яъни олти ой давомида юқоридagi фармон билан амалдаги 2019 йил 20 майда қабул қилинган «Яйловлар тўғрисида»ги қўнўнин янги тахрирда қабул қилиш учун Олий Мажлис Қўнўнчилик палатасига киритиш вазифаси белгиланди. Асосий мақсад қўнўнин янги тахририни мутамал равишда бугунги кун талабига мос тарзда ишлаб чиқўш учун айнан шу соҳа вакилларининг фикр-таклифларини эшитиш ва уларни қўнўн ижодкорлиги жараёнида қўллашдан иборатдир.



**Рискул СИДДИҚОВ,
Олий Мажлис Сенати Аграр,
сув ҳўжалиги масалалари
ва экология қўмитаси раиси
ўринбосари:**

– 1998 йилдан буйн кузатиб келляпмизки, йилдан-йилга юртизмиздаги яловларнинг ҳолати ёмонлашиб бормоқда. Яйловлар гоҳ у ташкилотида, гоҳ бунисига ўтказилавериши натижада соҳада жиддий испхотлар амалга оширилмади. Ишни тизимли ташкил қилиш механизми пухта бўлмагани боис, жабҳада бўшлиқлар кўп. Жумладан, яйловларнинг аниқ, рентабеллик самарадорлиги тўлиқ охиригача белгиланган эмас. Айрим ҳудудларда яйловлардан унумли фойдаланилаётган бўлса-да, бошқаларида аҳоли мутлақо тескари. Хусусан, Навоий вилоятда жуда катта фойзадги яйловлар бугунги кунда қониксариз ҳолга тушган. Яйловларни тиклаш жараёнари жуда суст.

БЕМОР БЎЛМАСДАН БУРУН ЕТ САЛОМАТЛИК ҚАДРИГА

O'zLiDeP ЛОЙИХАЛАРИ АМАЛДА

Бирор жойимиз оғримагунча ё бошимиз ёстиққа тегмагунча шифокорга мурожаат қилмайдиган халқимиз. Ушандаям, ўзимизча, аввал ўзбошимчалик билан оғриқ қолдирувчи дори-дармон ичиб кўрамиз, яна бирор дорихоначидан маслаҳат сўраймиз ва ниҳоят аҳволимиз оғирлашиб қолсагина шифокор қабулига шошамиз.

“Bloomberg” глобал соғлиқни сақлаш индексининг хабар қилишича, дунёдаги энг соғлом инсонлар истиқомат қилувчи мамлакатлар Италия, Исландия, Швейцария, Сингапур ва Австралия экан. Италия давлатининг рейтингда етакчилиги қилишига у ерда шифокорларнинг кўпчилиги, ва энг муҳими, аҳолининг ўз соғлиғига жуда эътиборли экани сабаб қилиб кўрсатилади.

Аслида йилда бир маротаба тиббий кўриқдан ўтиб қўйсак олам гулистон. Ҳам танимизга, ҳам чўнтагимизга енгиллик бўлади. Сабаби, шундай хасталиклар борки, улар бизга хабар бермайди, сездирмайди ҳам, аксинча, оғирсиз, белгисиз яширин ривожланади. Аниқ ташхис қўйилганида эса вақт бой берилган бўлади. Қолаверса, дастлабки босқичда аниқланган касалликларнинг 80 фоизини тезроқ ва самаралироқ даволаш мумкин.

– Партияимизнинг сайловолди дастурида аҳоли ўртасида касалликларни кескин камайитириш, соғлом турмуш тарзини фаол жорий этиш, ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган, – дейди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Севара Муслимова. – Айниқса, хотин-қизлар ўртасида онколо-

гик касалликларни камайитириш мақсадида 40 ёшдан ошган аёлларнинг тегишли даврийликда тиббий кўриқдан ўтишини жорий қилиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Айни мақсадлар ижроси сифатида партия “Аёллар қаноти” ташаббуси билан республика-мизнинг барча ҳудудларида “O'zLiDeP онкологик касалликларга қарши!” лойиҳаси дои-расида бепул тиббий кўриқлар ўтказяпмиз. Бу борада ҳудудий бўлинмалардаги “Аёллар қаноти” фаоллари, партия сафидаги шифокорлар жонбозлиги кўрсатишяпти. Маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз ёрдами билан ушбу акцияга ҳамоҳанг равишда “Бир де-путат – юз аёлга кўмакчи” лойиҳасини ҳам амалга оширяпмиз. Тадбирлар давомида мута-хассислар аҳолига саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган таклиф ва тавсияларини бермоқда. Жумладан, тоза ичимлик суви ва санитария шароитларини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш тарғиб қилиняпти.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, акцияни ўтказишда давлат тиббиёт масканлари билан бир қаторда хусусий клиникалар ҳам фаол иштирок этмоқда. Жиззах шаҳридаги “Ziyo Nur Med Shifo”, Ёғжувон туманидаги “Ѕғжувон диагностика маскани”, Тошкент шаҳридаги “Doktor-D”, Қўшрабoт туманидаги “Shifo Baxt Med” хусусий клиникалари шулар жумласи-дандир. Шу кунгача акциялар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоятларида муваффақиятли амалга оширилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Халқ депутатлари Оҳангарон туман кенгаши депутати Мадҳия Нишанова ўзи сайланган ҳудудда истиқомат қилувчи хотин-қизлар билан узвий алоқада бўлиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда фидойилик кўрсатаётган халқ вакилларида бири. У “Бир депутат – юз аёлга кўмакчи!” лойиҳаси замиридаги хайрли мақсадларни амалга ошириш учун бепул чуқурлаштирилган тиббий кўриқни уюштирди.

Туманнинг олис қишлоқларидан бири – Гулoбoд маҳалласидаги 35-оилавий поликлиникада ташкил этилган тиббий кўриқда 30 дан ортиқ хотин-қиз терапевт, гинеколог, маммо-лог, кардиолог ҳамда УТТ шифокорлари текширувдан ўтди.

– Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларида оила чироғи бўлган аёлнинг, онанинг саломат-лиги муҳим, – дейди халқ ноиб М. Нишанова. – Касалликни даволагандан олдини олиш осон. Вилоят ҳамда туман марказий шифохоналарида



фаолият юритаётган малакали шифокорларимиз аёллар ва ўсмир қизларни зарур текширувлар-дан ўтказишар экан, шу баҳонада турли касал-ликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар ҳам беришди.

Партияимиз вакили шу куннинг ўзида сай-ловчилар билан ҳам учрашди. Ўзарo самимий

мулоқотда ҳудудда ечимини кутаётган масала-лар, уй-жойга эгаллик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, таълим, касб-ҳунарга йўналтириш, бандлик, имтиёзли кредитлар олишга кўмаклашиш, ижтимоий ҳи-моя борасидаги муаммо ва таклифлар тинглан-ди. Айрим мурожаатларга шу ернинг ўзида ижо-бий ечим топилди.

БУХОРО



Партия Бухоро вилоят ва Ѕғжувон туман кенгашлари “Аёллар қаноти” ташаббуси билан “Ѕғжувон диагностика маскани” хусусий корхонасида ўтган тадбир ҳам ҳудуддаги хотин-қизлар ўз саломатлигига вақт ажратиши учун бир имкон бўлди.

Унда O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раисининг Аёллар масала-лари бўйича ўринбосари, Халқ де-путатлари вилоят кенгаши депутати Дилбар Аҳмедова, бўлим мудири Ро-бия Солихова, туман кенгаши раиси-нинг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Ғолиб Пулатов, “Ѕғжувон диагнос-тика маскани” хусусий корхонаси, “Сафира” МЧЖ раҳбари, Халқ де-путатлари вилоят кенгаши депутати Гулбаҳор Шарапова иштирок этди. Улар йўғилганларга мамлакатимиз-да аҳоли саломатлигини мустаҳкам-лаш борасидаги амалга оширилаёт-ган кенг кўламли ишлар ва партиявий лойиҳаларнинг аҳамияти хусусида сўзлашди. Шундан сўнг 100 га яқин

фуқаро замонавий текширув ап-паратларидан ўтишди, мутахассис-лар қабулида бўлишди ва керакли маслаҳатларини олишди. Кoгoн тумани Мустақиллик маҳалласидаги оилавий шифокор-лик пунктида ҳам шундай акция йўлга қўйилди. Республика ихтисослашти-рилган онкология ва радиология ил-мий амалий тиббиёт маркази Бухо-ро филиали ва Кoгoн туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатидан сўнг но-зик жинс вакиллари бепул тиббий кўриқдан ўтди. 157 нафар фуқаро малакали мутахассислар қабулида бўлиб, маслаҳатлар олишди. Касал-лик аниқланган 53 нафар бeмoр эса шифокорлар назоратига олинди.



“Бир депутат – юз аёлга кўмакчи” лойиҳаси доирасида энг фаол депутат си-фатида Зиёда Ишмуратова хотин-қизлар-ни тадбиркорликка жалб қилиш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, бандлигини таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, дори-дармонлар олиш, жарроҳлик амалиётлари ва стац-ионарга жойлашиб, бепул даволанишлари учун ёрдам кўрсатди. Масалан, туманнинг Пахтачи маҳалласида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож 2-гурух ногирони, Пар-кинсон касаллиги ташхиси қўйилган Ни-луфар Маҳаммадиева тиббий кўриқдан сўнг бепул дори-дармон билан таъмин-ланди. Иsobой маҳалласидан Шаҳрибону Шoдиеваннинг ишга жойлашиш бўйича му-рожаати назоратга олинди.

Нурoбoд тумани Шарқ юлдузи

маҳалласида жойлашган тиббиёт бир-лашмасида эса 30-50 ёшгача бўлган 55 нафар хотин-қиз скрининг текширувлар-идан ўтказилди ва касаллик аниқланган-ларга вилоят шифохоналарида имтиёзли даволаниш учун йўлланма берилди. Халқ депутатлари Нурoбoд туман кенгаши де-путатлари Зебо Суярова ва Гулчeҳpa Ҳа-санова ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда соғлом турмуш тарзига риоя этиш, зарарли одатлардан воз ке-чиш ва тўғри овқатланиш борасида қим-матли маслаҳатлар берилди.

Қўшрабoт туманидаги “Shifo-baxt med” клиникасида ҳам бепул тиббиёт ку-ни ўтказилди. 70 нафар oпа-сингиллар, болалар ва кексалар шифокорлар қабу-лида бўлишди. Кўриқ давомида аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари таҳлил қилин-

ди. Ногиронлиги бор шахсларга имтиёз-лар белгиланди, хасталик аниқланган-ларга вилоят шифохоналарида имтиёзли даволаниш учун йўлланма берилди.

– Бугун мен нафақат бепул тиббий кўриқдан ўтдим, шунингдек, депутатимиз кўмағида 15 миллион сўм миқдоридagi имтиёзли кредит олишга ҳам муваффақ бўлдим, – дейди Булоқбоши маҳалласида истиқомат қилувчи Дилноза Абдусaidова. – Анчадан бери бизнесимни бошламоқ-чи бўлиб юргандим, аммо бунга маблағ зарур эди. Депутат Курoқбoй Синдарoв мурожаатимни тинглагач, дарҳол амалий ёрдам берди. Энди мен ҳам мамлақати-миздаги тадбиркорлар сафидa oилам-нинг, элимнинг иқтисодий фаровонлиги учун ҳисса қўша oламан.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



Навбатдаги тиббий кўриқ Қорасув шаҳар тиббиёт бирлашмасида Мустақилликнинг 15 йиллиги, Норвoта, Чимён, Султoнoбoд маҳалласида яшовчи, “Аёллар”, “Ёшлар” дафтрадидаги, шунингдек, ногиронлиги бўлган фуқаролар учун ташкил этилди.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депута-ти, тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Хуршидоҳoн Халилов бoшчилигидаги бир гуруҳ шифо-кор ва ҳамширалар келганларга тиббий хизмат кўрсатишди. 230 нафар фуқаронинг салoмат-лиги текширилиб, 10 нафарига даволанишлари учун йўлланма ва oрдeр тақдим этилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ



O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгашининг Аёллар муаммоларини ўрганиш ва ташаббусларини қўллаб қувватлаш бўлими ва партиянинг Қўштепа туман кенгаши томонидан Лойсон маҳалласига қарашли 5-оилавий поликлиникада ўтган тиббий кўриқ иштирокчилар учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

9 турдаги касаллик бўйича шифо-корлар бeмoрларни қабул қилишди. Уй бекаларига ўз соғлиқларига ғоят эъти-борли бўлиш лoзимлиги уқтирилди. Ўз навбатида аёллар ҳам ўзларини қи-саволларга батафсил жа-

воблар олишди. Текширувлардан сўнг, заруратга кўра, бепул дори-дармонлар тақдим этилди. 400 нафардан зиёд хотин-қиз шу кунги ўзларига вақт ажрат-ишди, олтиндан-да қиммат бўлган са-лооматликлари ҳақида қайғуришди.



Халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгаши 12-Дамбoғ сайлов округидан сайланган депутат Ҳaқима Тошматова ҳам партия “Аёллар қаноти”нинг “Саломатлик сари” лойиҳасида фаол иштирок этиб, 292 нафар аёлнинг бепул тиббий кўриқдан ўтишига кўмаклашди.

5-оилавий поликлиникада ўтказилган акция доирасида иштирок этган хотин-қиз-ларнинг 32 нафарига сурункали камқонлик, 3 нафарига диабет касаллигининг бош-ланиши аниқланди. 2 нафарига кўкрак бези саратони гумон қилиниб, онкологик тек-ширув марказига, шунингдек, айрим бeмoрлар амбулатор ва стационар даволанишга йўналтирилди.

Саҳифани O'zLiDeP ҳудудий кенгашлари маълумотлари асосида “XXI asr” муҳбири Нурхoн ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.



ЖАРАЁН

ОГОҲЛИК

ТАҚДИМОТ

"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ" – КИЧИК БИЗНЕС ТАЯНЧИ

АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИДА УШБУ МАВЗУДА УТГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА УШБУ БАНК БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИ, ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

– Мамлакатимизда банк-молия тизимида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда, – деди **"Бизнесни ривожлантириш банки"** АТБ кредит бош директори Беҳзод Фозилов. – Бу саъй-ҳаракатларнинг асосида халқни рози қилиш ва "Инсон қадри учун" таъмоилини рўёбга чиқариш мақсади мужассамдир. "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ҳам мазкур ислохотларнинг фаол иштирокчиси ҳамда "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастурининг асосий таянч банки сифатида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ва аҳоли учун қўшимча даромад манбаларини яратишга ҳис-

ўтган йилда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 18 866 нафар аёлга 919 млрд 800 млн сўм кредит маблағлари ажратилди. Банкка бириктирилган маҳаллаларда 1 868 нафар аёл тадбиркорга 122 млрд 900 млн сўм миқдорида банк кредити йўналтирилди. Бунинг самараси ўлароқ, 3 862 та янги иш ўрни вужудга келди. Умуман олганда мазкур молия муассасаси томонидан 2024 йилда 7 трлн 300 млрд сўм кредит ажратилди.

Бизнесни ривожлантириш департаменти бош менежери Шерзод Омоновнинг қайд этишича, банк 2025 йилда ҳам ўз олдида янада юксак марраларни қўйди. Келгусида ҳам замонавий хизматларни кўрсатиш, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали халқимиз ва миқдорлар ишончини қозонишга интилади. 2024 йилнинг 16 декабрь куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган топшириқлар асосида, бизнесни молия-



са қўшмоқда. Аҳолини камбағалликдан чиқариш ва тадбиркорликка жалб этиш мақсадида кичик бизнес лойиҳаларига банк сармоялари йўналтирилмоқда.

Матбуот анжуманида банк томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш йўналишида эришилган натижалар ва жорий йилдаги режалар ҳақида ахборот берилди. Хусусан, 2025 йил 1 январь ҳолатига, банкнинг кредит қўйилмалари 22 трлн 530 млрд 800 млн сўмга етди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 730 млрд 200 млн сўмга ёки 3,3 фоизга ўсишига эришилган. "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастури доирасида 49 160 нафар тадбиркорга 4 трлн 835 млрд сўмлик, шу жумладан, "Бизнесни ривожлантириш банки" томонидан 17 676 нафар тадбиркорга 1 трлн 737 млрд сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Кўрсатилган молиявий қўмаклар натижасида ўзини-ўзи банд қилган 18 288 нафар жисмоний шахслардан 12 783 нафари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди ва 5 505 нафари юридик корхона мақоми олдди. Дастурда иштирок этган 16 738 та яқка тартибдаги тадбиркордан 1 100 нафари масъулияти чекланган жамият сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди.

"Бизнесни ривожлантириш банки"га республика бўйича бириктирилган 649 та маҳаллада 2024 йилда жами 1 трлн 500 млрд сўм кредит ажратилди. Натижада 473 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Шундан 70 минг нафари доимий ишга жойлаштирилди ва 403 минг нафари бизнесга жалб қилинди.

"Сайхунобод тажрибаси" асосида хонадонбай ишлаш тизими орқали ҳар бир маҳалладаги хонадонларга жами 3 992 та молиявий пакетлар, шу жумладан, 21 минг 800 та микролойиҳалар амалга оширилиб, 672 млрд сўм кредит ажратилди. Натижада 40 102 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. "Ўйчи тажрибаси" асосида эса 2024 йилда 608 та учрашув ўтказилиб, 6 900 та муносабат кўриб чиқилди ва ижобий ҳал қилинди. Эътиборлиси, 12 600 та янги иш ўрни яратилди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, "XXI asr" мухбири

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Тошкент шаҳридаги 56-сонли оилавий поликлиникада ташкил этилган O'zLiDeP бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилиши баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Ушбу қўйи бўғин ўтган йил давомида бир қатор эзгу ишларга ҳам қўл урди. Хусусан, мазкур БПТ томонидан инсонлар саломатлигини асраш ва муаммоли масалаларини ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатлар олиб борилди. 18 нафар ишсиз ёшнинг бандлигини таъминлашда яқиндан қўмаклашилган фикримиз далилидир. Шунингдек, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш, партия аъзоларини қўлайтиришда ҳам фаоллик кўрсатилди.

Йиғилишда қўйи бўғиннинг 2024 йилги фаолияти ижобий баҳоланди.


Урганч шаҳридаги "Маърифат" маҳалласида ташкил этилган йиғилишда БПТнинг янги таркиби сайланиб, жорий йилги иш режаси тасдиқланди. Қўйи бўғин раиси лавозимига

номзод Муборак Жуманиязова тавсия қилинди ва бир овоздан маъқулланди.

O'zLiDeP Тошлоқ туман кенгаши бошланғич ташкилотларида ҳам партия дастурий вазифаларни ҳаёtgа татбиқ этиш ва келгусида режаларни белгилаб олиш мақсадида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда. Хусусан, "Сойбўйи", "Дўстлик" МФЛари, "Қамолов Раҳматуллоҳ" фермер ҳўжалиги, Ободонлаштириш бошқармаси қошидаги қўйи бўғинларда ўтказилган тадбирларда БПТларнинг ўтган йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботлари тингланиб, келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

"Ермулқкадастр" Чироқчи тумани филиали қошидаги БПТ ҳисобот-сайлов йиғилишида ўтган йилги фаолияти намунали баҳолангани учун Бахтиёр Бобоназаров қайта раисликка сайланди.

Товламачи тузоғи қаерда?



Тўғри, улар бир қарашда беминнат ёрдамчи. Эрталаб уйғотади, юрган қадамингизни ўлчаб беради, кунлик ишингизни ташкил этишда кўмакчи. Ҳатто қанча пулингиз борлиги-ю, ойлик иш ҳақингиз тушган-тушмаганини, қаерга, нимага қанча ишлатганингизни ҳам ҳисоблаб туради, гўёки "шахсий ҳисобчи". Қайсидир коммунал тизимдаги тўловларни ҳам бир зумда тўлаш имконияти бор. Узоқроқдаги, ҳатто хориждаги таниш ёки қариндош, ҳамкасб ёки ҳамкорларингиз билан ҳам барча мулоқот, шартнома, муроसाю мадорани ҳам бир лаҳзада битиради. Уларнинг хизматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Хуллас, кўмакчи, яқин "дўст", сирдош ва...

Лекин ижобий тарафи қанча кўп бўлса, нохуш жиҳатлари ҳам шунча бисёр. Гоҳи соғлиқдан ташқари тақдиримизга ҳам дахл этаётгани янада аянчлидир. Масалан, кейинги пайтларда нотаниш кимсалардан бўлаётган номаълум кўнгрлар ҳақида ижтимоий тармоқларда тинимсиз бонг уриляпти. Ўзларини қайсидир банк ёки даб-дурустдан бирор ҳуқуқ тартибот идорасидан деб таништираётганларнинг ҳисоби йўқ. Бу ҳақда тегишли органлар фуқароларни беҳиз огоҳликка чорламаяпти, аммо турли кўринишдаги сирли "уйин"лар ортидан моддий томондан қуйиб қолаётганлар тобора кўпайиб бормоқда.

Қўпчилик аллақачон тушуниб етган "схема"-га эътибор беринг: аксар ҳолларда аниқ рақамлардан кўнгрроқ бўлади ва аввалига сизнинг исм-фамилиянгизни тўппа-тўғри айтиб тасдиқлатади. Бундай аниқ маълумот шубҳа уйғотмайди. Гаплашдингиз, суҳбатингиз чўзиляпти, тузоқ ичидасиз. "Сизнинг номингизга кредит расмийлаштирилди, хабардоримиз, сиз ўша одамни танийсизми, бу муаммони ҳал этишда яқиндан ёрдам бермоқчимиз" дейди. Соддароқ одам бўлса ҳаяжонга тушиб ишончади-да. Чўнки ўша пайтда тўғри фикрлашга имконият қолдиришмайди. Охири ҳамкорликка рози бўлган ҳолда ўзингизга тегишли шахсий, ҳеч ким билиши мумкин бўлма-

ган маълумотларни айтасиз-қўясиз. Тамом. Тузоққа тушдингиз! Айтилган кредит маблағи қандай тарзда расмийлаштирилганини ҳам аниқлаш осонмас. Бу каби ниқобланган ёлғон "операция"-лар ҳамон давом этаётгани янада ташвишли.

Хўш, бундай вазиятда нима қилмоқ керак? Албатта, тегишли ҳуқуқий идоралар ва банкларнинг огоҳлантиришлари натижасида кўпчилик энди нотаниш ёки хорижий давлатларга тегишли рақамлардан бўладиган кўнгрроқларга жавоб беришдан тийилишга ўтди. Балки бу ҳам тўғри чорадир. Назаримизда, ҳаётимиз, ишимиз, фаолиятимиз телефонга, интернетга боғлиқ ҳозирги вақтда "кибержиноятчилик" деб аталадиган телефон, интернетнинг чегараланмаган маконидан жуда кўп масалада огоҳлик ва ҳушёрлик кўнгрроғини доимо ёнимизда олиб юришимиз кераклигини англашимиз шарт. Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан уюштирилаётган турли тадбирлар, огоҳлик қаҳирқлари, роликларга эътиборлироқ бўлишимиз керак. Кибер маконда у телефон орқали бўладими, интернет орқалими, ҳар қандай мулоқотларда эҳтиёткорлик зарур. Шахсий маълумотлар ёки интернет майдонида фойдаланилаётган Телеграм мессенжери, Facebook ва бошқа ижтимоий тармоқларни ишга туширишимизда сир сақланиши сўралган рақам ва ёпиқ маълумотларни ҳар кимдан, ҳатто энг яқин инсонларимиздан ҳам сир сақлашимиз муҳим. Қузатаётганимиз ижтимоий тармоқлар ва саҳифалар орқали берилаётган турли реклама ва эълонлар, иловалар орқали сиздирилаётган хабар ва видеоматериаллар ортида нималар яширинганини англаш "иммунитет"-ига эга бўлишимиз киберхавфсизлигимизни кафолатлайди.

Бугунги товламачи, ўғри ё киссавур кўзингизга кўринмайди, виртуал ёки онлайн қиёфага кириб, сизнинг пул, маблағларингизни шундай устамонлик билан ўғирлайдики, ҳар қандай "Шерлок Холмс"лар ҳам ёрдам беролмайди бундай пайтда. Айнан шу кунларда содир бўлаётган воқеалар бунинг яққол исботи эмасми? Оиламизга машаққатли меҳнатимиз орқали кириб келаётган ҳалол пулимизга бир зумда "эғалик" қилаётган муттаҳамлар домига тушмаслик учун имкон қадар ўзимиз фойдаланмаётган телефон ёки ижтимоий тармоқлар орқали тез ва самарали хабардор қилувчи қисқа, осон, тушунарли материаллар сонини қўпайтириш вақти етди. Аҳоли гавжум масканлар, жамоатчилик жойлари, бозорлар, супермаркетлар, жумладан, автобус, метро ва аҳоли гавжум ҳудудларда турли кўри-нишлар, яъни баннер, роликлар ва бошқа тарги-

бот воситалари орқали таъсир кўрсатиш керак.

Бу каби киберхавф-хатарлардан ҳимояланиш учун айрим таклифларни ҳам ўртага ташламоқчимиз:

I. Ҳар бир ҳисоб учун турли ва кучли пароллар яратинг:

– **Паролни муқимлаштириш учун ҳарфлар, рақамлар ва белгиларни бирлаштиринг;**

– **Паролни муҳофаза қилиш учун пароль бошқарувчи (password manager) воситаларидан фойдаланинг.**

II. Икки босқичли аутентификацияни (2FA) қўллнг:

– **Ҳисобингизга кириш учун қўшимча тасдиқлаш қадамини қўшинг (масалан, SMS код ёки аутентификация воситаси).**

III. Софтни янгиллаб туринг:

– **Операцион тизим, браузер ва бошқа дастурларни янгиллаб туринг, киберхавфлардан ҳимояланиш учун янгилламаларни ўрнатинг.**

IV. Фишинг ҳужумларига эҳтиёт бўлинг:

– **Номаълум электрон почта ёки хабарлардаги ҳавола ва файлларни очишдан қочинг;**

– **Ҳисоб маълумотларини сўраган расмий бўлмаган сўровларга ишонманг ва маълумот берманг.**

V. Маълумотларни нусхалаб туринг.

VI. Компьютер ёки мобил қурилмаларда антивирус дастурини ишлатинг ва уни мунтазам янгиллаб бординг.

VII. Ижтимоий тармоқларда шахсий маълумотларни эҳтиёткорлик билан улашинг ва махфийлик созуламаларини текширинг.

VIII. Янги киберхавфлар ва улардан ҳимояланиш усуллари тўғрисида маълумот олиб туринг.

IX. Фақат ишончли веб-сайтлар ва дастурлардан фойдаланинг, норасмий манбалардан файл ёки дастурларни юклаб олманг.

Халқимизда жуда ажойиб нақл бор: "Ўзингга эҳтиёт бўл, кўшингни ўғри тутма". Шундай экан, ҳар биримиз бугунги замонавий технологиялар, жумладан, интернет ёки телефон-смартфон-планшетлардан фойдаланишда етти ўлчаб бир кесиб фойдалансанк, ютқазмаймиз.

Илҳом БОТИРОВ,
Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг
Коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси

БАҲС ВА МУНОЗАРАЛАР ҚИЗҒИН КЕЧМОҚДА

O'zLiDeP Зомин туман кенгаши таркибида ўз сафига 12 200 нафардан ортиқ маслаҳатдош бириктирилган 94 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Айни кунларда ушбу қўйи бўғинларда ҳам муҳим жараён – ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Тумандаги санитария-эпидемиология осойишталик жамоат саломатлиги бўлимида ташкил этилган таянч нуқтада 24 нафар фаол жам бўлган. БПТ етакчиси Гўлноза Эргашева ўз ҳисоботида таъкидлаганидек, сафдошлар тарғибот-ташвиқот тадбирлари дейсизми, сайловолди жараёнлари ёҳуд истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш-у "Яшил макон" умуммиллий ҳаракати дейсизми, барчасида фаол иштирок этишди. Аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал қилишга ҳисса қўишди. Партиянинг мавқеи ва обрўси ошишига хизмат қилган бу саъй-ҳаракатлар натижасида сиёсий куч сафига кирмоқчи бўлганлар янада кўпаймоқда.

Тадбирда айрим таклифлар ҳам ўртага ташланди, нуқсонлар муҳокама қилинди. Иштирокчилар ҳисоботни қониқарли, деб топишди ва Гўлноза Эргашевани БПТ етакчилигига қайтадан сайлашди.

O'zLiDeP Тойлоқ туман кенгаши таркибида ўз сафига 10 674 нафар аъзони бириктирилган 74 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, айни кунларда ушбу қўйи бўғинларда муҳим жараён, ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Чароғбон маҳалласида ташкил этилган қўйи бўғин ўз сафига 25 нафар партия фаолини бириктирган.

Йиғилишда дастлаб етакчи Комил Ҳамроевнинг ахбороти эшитилди. Шунингдек, мулоқот давомида партия Сайловолди дастуридаги ҳамда "Атроф муҳитни асраш ва

КАДРИЯТЛАРИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, НАВРЎЗ!

Қадиқ айём арафасида

НАВРЎЗНИНГ ШУКУҲИ, ТАРОВАТИ, ФАЙЗИ БЎЛАКЧА. ҲАР ЙИЛИ БУТУН ДУНЁДА БУ ГЎЗАЛ ВА БЕТАҚРОР БАЙРАМ КАТТА ТАНТАНАЛАРГА АЙЛАНАДИ. АЙНИҚСА, ШАРҚДА, ХУСУСАН, БИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЧИН МАЪНОДА ЙИЛНИНГ БОШЛАНИШИ, ОНА ТАБИАТНИНГ УЙҒОНИШИ, ДАШТУ ДАЛАЛАРДА ДЕҲҚОН-БОҒБОН-ФЕРМЕРЛАР УЧУН УМИД БИЛАН КЕКСАЛАРНИНГ ЁРУҒ ДУОЛАРИНИ ОЛИБ ИШ БОШЛАШ МАРОСИМЛАРИ ВА ЎНЛАБ ХАЛҚОНА ҚАДРИЯТЛАРИННГ НАМОЁН БЎЛИШИ ЎЗИГА ХОС БАЙРАМГА ЭВРИЛАДИ.

Ушбу айём Президентимизнинг “2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” деб номланган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонланмоғига бежиз даъват этилмади. Чунки Йилбоши – Наврўзнинг тарихий илдизлари жуда чуқур ва балки инсониятнинг ёши билан тенг бўлса, не ажаб?!

Қарордаги ушбу муҳим жиҳатларни қайта-қайта ўқиймиз:

- “Бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланишини инобатга олиб, кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ва кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун байрам дастурхони ёзиш ҳамда турли хайрия тадбирларини ўтказиш;
- “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, байрам арафасида барча ҳудудларда, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш акцияларини, умумхалқ ҳашарларини ўтказиш;

- жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида юртимизда яшаётган турли миллат ва элатлар вакиллариинг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш қилиш;
- байрам тадбирлари давомида ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб кўргазмалари, арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўчма савдо дўконлари ташкил этиш, кўклам таомларини тайёрлаш ҳамда бу борада кўргазмали савдо ва танловларни уюштириш”...

Наврўзнинг бутун мазмун-моҳияти, шаклу шайиоили замирида ИНСОН қадрини улуғлаш бароба-рида табиат, наботот олами, бир сўз билан айтганда, бугун дунёни ларзага солаётган ЭКОЛОГИЯга

меҳр-оқибат кўрсатиш, эътибор қаратиш ҳисси ётибди. Демак, биз тўрт фаслнинг дебочаси Баҳор-Йилбоши баҳонасида қолган уч фасл учун ҳам замин яратмоққа бурчлимиз.

Давлат раҳбари имзолаган қарорнинг муҳим жиҳати, Наврўз байрами билан боғлиқ анъана ва қадриятларни янада эъзозлаш, шу Ватанда бир оила фарзандларидек тинч-тотув яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида бу улўф тантана ўзига хос бағрикенглик, аҳиллик риштаси бўлиб келаётганини яна бир бор урғулашдир.

Хуллас, қишнинг сўнгги кунларида табиат бизни яна бир жиддий синовдан ўтказаётир, гарчи музлар эриб, замин бағри қизийтган (“қантар оғса, қозиқда қор турмағай” деган ибораниям унутмайлик) маҳалдаги қорли-қировли ҳавонинг ўткинчи ташвишлари ортда қолмоғи аён бўлса-да, ҳукумат бу борада барча тегишли чораларни кўрмоқда. Қувончлиси, яна бир неча кундан сўнг эса ислом оламида муқаддас Рамазон ойи бошланади ва бунда Йилбошининг нишонланиши ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Билганимиз, меҳр-мурувват, ўзаро бирдамлик ва маънавий поклик фазилатлари улуғланадиган қутлуғ ойни халқимиз ҳамиша ўзгача руҳда, шодмонлик билан кутиб олади. Айниқса, бошқа динларга эътиқод қилувчи халқлар ҳавас қилгулик урф-одатларимиз – инсон қадрини улуғлаш, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд кишиларга беминнат саховат кўрсатиш каби савобли амаллар айни шу дамларда бор бўйи билан ёрқин намоён бўлажак.

Хўш, Наврўз байрамнинг қадр-қиммати ва нуфузини ошириш учун яна нималар қилмоғимиз керак? Кейинги йилларда айнан ушбу тантаналар баҳонасида баъзи ҳудудларда дабдабазолик, давлат маблағларини ноқонуний ўзлаштириш, турли бўлар-бўлмас ўйин, беллашувлар, концертлар уюштириш авж олмаятими? Ёки бўлмаса собиқ синфдошлар ўртасида пул тўплаб, кимўзарга сохта обрў орттиришга ружу қўйиш кимга керак?

(Наврўз ёки бошқа байрамларни ниқоб қилиб, баъзи вилоят, туманларда ўзбошимчалик ортидан рўй бераётган ана шундай кўнгилсиз ҳолатлар хусусида газетамизнинг келгуси сонларида туркум мақолалар эълон қилиш режалаштирилган).

Албатта, бу каби ташаббусларни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, маҳалла-кўй, жамоатчилик, дунё кўрган кексалар билан бамаслаҳат келишган ҳолда байрам тадбирларини ўтказса, сик ҳам, кабоб ҳам куймайди. Шундагина биздан Ҳақ ҳам, халқ ҳам рози бўлади, байрам байрамдек нишонланади.

Қадамлари қутлуғ келсин мангу баҳорнинг, қадам Наврўз, ўлмас Йилбошимизнинг!

Норқобил ЖАЛИЛОВ

АКС-САДО

ЭНГ ЮКСАК САОДАТ ОНА ВАТАНИМИЗНИ ЯНАДА РАВНАҚ ТОПГАН ЮРТ СИФАТИДА КЎРИШДИР

Жамият тараққиёти инсонларнинг тенг ҳуқуқли ва адолатли муҳитда яшашига боғлиқ. Айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги, уларнинг таълим ва касбий ривожланиш йўлидаги имкониятларини кенгайтириш мамлакат юксалишига бевосита хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам юртимизда қизларга сифатли таълим олиш, меҳнат бозорида ўз ўрнини топиш, сиёсий жараёнларда фаол қатнашиш, соғлиқни сақлаш хизматларидан тенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш устувор вазифа сифатида илгари сурилмоқда. Хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай камситиш ва эъровлоник ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг ижтимоий, илмий ва иқтисодий ҳаётдаги иштирокини кучайтириш масалалари давлат сиёсати даражасида кўтарилаётир.

14 февраль куни Кўксарой қароргоҳида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан ўтказган жонли мулоқоти бу борадаги ислохотларнинг изчил давом этаётганининг ёрқин тасдиғи бўлди. Ушбу видео-селекторда ёшларнинг таълим, фан, спорт ва тадбиркорлик соҳаларидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини ошириш, тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун янги имкониятлар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамланмоқда. Ишсиз аёллар сонининг камайиши, олий таълимга интилаётган қизлар сафининг кенгайиши, давлат томонидан шартнома тўловлари қопланаётгани, чет элда ўқиш истагида бўлган опа-сингиллар учун грант дастурларининг жорий этилгани, буларнинг барчаси, тенг ҳуқуқлилик тамойилларининг амалий ифодасидир. Шунингдек, уларнинг тил ўрга-

нишга бўлган қизиқиши ортаётгани, илмий изланишлар олиб бориш имкониятлари кенгаётгани ҳам ислохотларнинг самарадорлигини кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун таълим кредитлари ажратилиши, кўшимча давлат грантлари, турли стипендиялар жорий қилиниши, ёш олим ва олималарни уй-жой билан таъминлаш, халқаро олимпиада ва танлов ғолибларига тўғридан-тўғри олий ўқув юртлирига кириш имконияти яратилиши каби ислохотлар юртимизда адолат ва тенглик тамойилларининг устувор эканини тасдиқлайди.

Мен хотин-қизларнинг келажагига бундай улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётган юртда яшаётганимдан фахрланаман. Бугун биз нафақат ўз ҳуқуқларимиздан тўла баҳрамандмиз, балки илмий изланишлар олиб бориш, жамият ривожига ҳисса қўйиш, келажақ авлодни муносиб тарбиялаш йўлида бемалол ҳаракат қилиш имконига эгамиз. Давлатимиз томонидан таълим ва илм-фан

ривожига берилаётган эътибор ҳар бир хотин-қизга ўз истеъдодини, орзуларини рўёбга чиқариш, ўз келажагини барпо этиш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Биз бугунги кунда ҳеч қандай тўсиқсиз ўзимизни интеллектуал, илмий ва касбий жиҳатдан ривожлантиришимиз, жамиятимизга фойда келтирадиган фидойи инсонлар бўлиб етишишимиз мумкин. Минглаб хотин-қизлар бугун ўз тақдирини илм ва меҳнат билан боғлаб, улкан марралар сари интилмоқда. Шундай экан, биз хотин-қизлар юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат фаолиятини олиб бориш ва унга садоқат билан хизмат қилишни истаймиз. Зеро, биз учун энг юксак саодат – она Ватанимизни тараққий этган, янада равнақ топган юрт сифатида кўриш!

Дилобар КАМОЛОВА,
Шаҳрисабз давлат педагогика
институтини бошланғич таълим
назарияси кафедраси ўқитувчиси